

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

5-2021

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Муассис: Фаргона давлат университети.

«FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журнали бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайни ва оригинал макет ФарДУ таҳририят-нашриёт бўлимида тайёрланди.

Таҳрир ҳайъати

Бош муҳаррир
Масъул муҳаррир

ШЕРМУҲАММАДОВ Б.Ш.
ЗОКИРОВ И.И

ФАРМОҢОВ Ш. (Ўзбекистон)

БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)

РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)

ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК (Туркия)

ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHANZADAN NAYYAR (Япония)

LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)

АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)

КЛАУС ХАЙНСГЕН (Германия)

БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)

БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)

КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)

ЧЕСТМИР ШТУКА (Словакия)

ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)

ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)

РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)

ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)

ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)

ХОМИДОВ Ф. (Ўзбекистон)

АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)

ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)

ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)

ТУРДАЛИЕВ А. (Ўзбекистон)

АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)

МЎМИНОВ С. (Ўзбекистон)

МАМАЖОНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)

ШУКУРОВ Р. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВА Д. (Ўзбекистон)

ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)

КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)

САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)

ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)

ҒОФУРОВ А. (Ўзбекистон)

АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.А. (Ўзбекистон)

ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)

ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)

ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)

УСМОНОВ Б. (Ўзбекистон)

АШИРОВ А. (Ўзбекистон)

МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)

ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)

БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

ОРИПОВ А. (Ўзбекистон)

Муҳаррирлар: Ташматова Т.
Жўрабоева Г.
Шералиева Ж.

Таҳририят манзили:

150100, Фаргона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60
Сайт: www.fdu.uz

Босишга рухсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

Манзил: 150100, Фаргона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

Фаргона,
2021.

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

А.Ўринов, Д.Усмонов Гиперболик типдаги бузиладиган иккинчи тур тенглама учун Коши-Гурса масаласи	6
А.Ғойипов Бир номаълумли модулли тенгламаларни ечишнинг бир усули ҳақида	18

КИМЁ

Х.Юлдашев, Ю.Мансуров Автомобиль чиқинди газларини каталитик тозалаш	25
Ғ.Мадраҳимов, М.Ҳожиматов, И.Асқаров 1-(2-карбокисфенил)-1'-п-метил оксиферроценил тиюамид синтези ва унинг биостимуляторлик хоссалари	31
Ш.Каримов, Н.Хабибуллаева, А.Хаитбаев <i>Leptinotarsa decemlineata</i> (Say) таркибидан хитозан ажратиб олиш	36
И.Асқаров, Ф.Абдугаппаров, М.Хожиматов Амигдалиннинг кимёвий хоссалари ва инсон саломатлигига таъсири	42
А.Йўлчиев, К.Джамолов, И.Асқаров, М.Мўминов Мувозанатлаштирилган гранулаланган омихта ем таркибини бойитиш	49
Х.Исмоилов, О.Саримсоқов, С.Хайдаров Пахта пневмотранспорти учун материал ўтказгич конструкциясини ишлаб чиқиш	53
У.Мараимова, И.Жалолов, Г.Бегматова, С.Арипова Ўзбекистонда ўсадиган <i>goetneria hybrida</i> даги кимёвий элементларнинг микдорий таркибини аниқлаш	57

Ижтимоий-гуманитар фанлар

Г.Халматжанова, А.Ғофуров Кластер тизими ривожда сув ресурслари салоҳиятини ошириш	62
--	----

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

И.Сиддиқов Ўрта асрлар ислом гносеологияси ва теологиясининг ўзаро синтезлашуви	68
---	----

ТАРИХ

М.Исамиддинов Қадимги Марғиёна ва Бақтрия ҳудудидаги яз-II археологик комплексларини даврлаштириш масалалари	75
И.Мамадалиев, Тим Брэгер Ўрта Осиё Россия империяси таркибида	79
Р.Арслонзода Ўзбекистонда мактаб тарих таълими тизимининг шаклланиши	85
А.Йўлдашев XX асрнинг 20-йилларида европада таълим олган ўзбек қизи	90
Д.Абдуллаев XX асрда Ўзбекистон аҳолиси тақдирланишининг архив манбаларида акс эттирилиши	95
Н.Рахматова Мустақил Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантиришда каштачилик ва касаначиликнинг ўрни	102

ТАРИХ

УДК: 947 (575.1)

ЎЗБЕКИСТОНДА МАКТАБ ТАРИХ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ СТАНОВЛЕНИЕ СИСТЕМЫ ШКОЛЬНОГО ИСТОРИЧЕСКОГО ОБРАЗОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ

FORMATION OF SCHOOL HISTORICAL EDUCATION SYSTEM IN UZBEKISTAN

Арслонзода Раҳматжон Арслонбоевич¹

¹Арслонзода Раҳматжон Арслонбоевич,

– Фарғона давлат университети, тарих фанлари
номзоди, доцент.

Аннотация

Мақолада илк мартаба Ўзбекистонда мактаб тарих таълими тизимининг шаклланиш жараёни ёритилади. Муаллиф манбалар ва адабиётларга таянган ҳолда, инқилобдан олдинги даврда тарих фани фақат Туркистоннинг айрим шаҳарларида очилган оз сонли гимназиялардагина ўтилганлигини таъкидлаб, Ўзбекистон мактабларида тарих фанини ўқитиш асосан совет даврида йўлга қўйилганлигини қайд этади. Айни вақтда тарих таълими тизимининг шаклланиши жараёнида кўзга ташланган муаммолар ва уларнинг бартараф этилиши хусусида маълумотлар берилади.

Аннотация

В статье впервые освещается процесс становления школьного исторического образования в Узбекистане. Опираясь на источники и литературу, автор отмечает, что в дореволюционный период история более или менее системно преподавалась в немногих гимназиях, открытых в некоторых городах Туркестана. Возникновение системы школьного исторического образования относится в основном к советскому периоду. В то же время даются сведения о проблемах, имевших место в процессе формирования этой системы и путях их преодоления.

Annotation

For the first time, the article highlights the process of formation of school history education in Uzbekistan. Based on sources and literature, the author notes that in the pre-revolutionary period, history was more or less systematically taught only in a few gymnasiums opened in some cities of Turkestan. The emergence of the system of school history education refers mainly to the Soviet period. At the same time, information is given about the problems that took place in the process of the formation of this system, and the ways to overcome them.

Таянч сўз ва иборалар: мактаб, мадраса, гимназия, ўқув режа, тарих таълими, “меҳнат мактаби”, “жамиятшунослик комплекси”, социологик схема, политехник таълим, СССР тарихи, жаҳон тарихи, Ўзбекистон тарихи.

Ключевые слова и выражения: мактаб, медресе, гимназия, учебный план, историческое образование, “трудовае школа”, “комплекс обществоведения”, социологическая схема, политехническое образование, история СССР, всемирная история, история Узбекистана.

Key words and expressions: maktab, madrasah, gymnasium, curriculum, history, “labor school”, “complex of social studies”, sociological scheme, polytechnic education, history of the USSR, world history, history of Uzbekistan.

Билимдон, маърифатли ва юксак маънавиятли, ўз халқи ва юртига содиқ ёш авлодни тарбиялашда тарих фани муҳим ўрин эгаллайди. Шунинг учун ҳамма замонларда атоқли ёзувчи ва мутафаккирлар, давлат ва жамоат арбоблари инсоният тарихини ўрганиш зарурлигини таъкидлаганлар. Жумладан, буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий инсонларнинг маънавий камолотга етишида тарихий билимларнинг аҳамияти катта эканлигини англаган ҳолда, одамларни ўтмишни ўрганишга даъват этган [6, 109].

Ёш авлодга билим берадиган, унга турли фанлар, шу жумладан, тарих

илмини ўргатадиган асосий маскан – бу, мактабдир. Аммо асрлар мобайнида Ўрта Осиёда эски мактабларда (ва ҳатто мадрасаларда ҳам) толиби илмларга тарих фани ўргатилмаган. Бунга асосий сабаб, эски мактаб ва мадрасалар асосан конфессиал, яъни диний таълим муассасалари бўлганлиги боис уларнинг дастурига тарих фани киритилмаганлиги эди. Хўш, унда тарих ихлосмандлари бу фанни қандай ўрганганлар, деган савол туғилади. Бу саволга қўйидагича жавоб бериш мумкин: тарихни севган, уни ардоқлаган толиби илмлар ўтмишни мустақил тарзда ёки Шарқда кенг тарқалган “устоз-шогирд” аъёниси

асосида ўқиб-ўрганганлар.

XX асрнинг бошларида Туркистонда майдонга чиққан илғор зиёлилар – жадидлар ёш авлодни тарбиялашда тарих фанининг аҳамияти катта эканлигини яхши англади. Бу борада Абдурауф Фитратнинг тарих фанига берган қуйидаги баҳоси эътиборга лойиқ: “Тарих, – деб ёзган эди у, – миллатларнинг ўтмишини, тараққиётини ҳамда таназзулининг сабабларини ўрганатурғон фандир” [2,3]. Жадидлар ўзлари ташкил этган янги усул мактабларида болаларга имкон доирасида тарихни, хусусан, ислом тарихини ўқитишга ҳаракат қилганлар.

Инқилобдан олдинги даврда мустамлакачи маъмурият томонидан Тошкент, Самарқанд, Қўқон, Янги Марғилон ва бошқа шаҳарларда ташкил этилган бир нечта гимназияда асосан рус миллатига мансуб ўқувчиларга тарих алоҳида фан сифатида ўргатилган.

1917 йил Февраль инқилобидан кейин илғор педагоглар мактаб дастурига тарих фанини киритиш таклифи билан чиқдилар. Масалан, шу йилнинг май ойида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган мусулмон ўқитувчилар қурултойи қатнашчилари ўлкада мавжуд бўлган рус-тузем мактабларини миллий мактабларга айлантириш ва уларнинг дастурига бошқа фанлар қаторида Туркистон ва Россия тарихини киритишни таклиф этдилар. Тошкент шаҳар думаси сентябрь ойида ушбу таклифни қўллаб-қувватлади, аммо тез орада ҳокимият тепасига келган большевиклар бу лойиҳани амалга оширишга тўсқинлик қилдилар [3, 133-134].

1917 йилдаги Октябрь тўнтаришидан кейин Туркистон АССРда янги совет мактаблари очилди ва уларнинг дастурига тарих фани киритилди. Лекин Туркистонда совет мактабларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини йўлга қўйиш осонликча кечмади. Авваламбор, совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида мавжуд бўлган иқтисодий қийинчиликлар ҳамда ўлкада бошланиб кетган фуқаролар уруши ва истиқлолчилик ҳаракати туфайли ҳукумат бу мактабларни мунтазам равишда маблағ билан

таъминлай олмади. Кўп мактаблар ўқитувчиларнинг етишмаслиги ёки уларга ўз вақтида маош тўланмаганлиги боис амалда фаолият кўрсатмади. Иккинчидан, янги очилган совет мактабларининг аксарияти бошланғич мактаблар бўлиб, уларда тарих фани ўтилмас эди. Тарих алоҳида предмет сифатида етти йиллик ва ўрта мактабларда ўқитилган, аммо совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида бундай мактабларнинг сони кўп бўлмаган. Учинчидан, совет мактаби коммунистик ғоя ва даҳрийлик заминида қурилган эди. Шунинг учун ислом динига эътиқод қилган аксарият маҳаллий аҳоли ўз фарзандларини анъанавий таълим муассасалари, яъни эски мусулмон мактабларида ўқитишни афзал кўрарди. 1920 йилда Мунаввар Қори Абдурашидхонов эски диний мактабларни замон талабига мос равишда ислоҳ қилиш ва уларни янги совет маориф тизимига киритишни таклиф этди. Аммо совет ҳукумати бу таклифни ҳам қабул қилмади. Шунга қарамай, эски мактаблар Ўзбекистонда 1928 йилга қадар ўз фаолиятини давом эттирди” [5, 284].

Туркистон АССРда ўзбек совет мактаблари 1918 йилнинг май ойидан ташкил этила бошланди. Туркистон Марказий Ижроия Қўмитаси 1919 йил 1 июлда шаҳар ва қишлоқлардаги энг яхши биноларни реквизиция қилиш ва уларни совет мактаблари ихтиёрига бериш тўғрисида кўрсатма берди. Янги ҳокимият ўз мавқеини мустаҳкамлаб борган сари, бирин-кетин бошқа типдаги мактаблар (эски мактаблар, гимназиялар, черков-приход мактаблари, янги усул мактаблари ва ҳ.к.) ёпилди. Одамларда ўз болаларини совет мактабига беришдан бошқа чора қолмади.

Совет мактаблари большевистик режимнинг қаттиқ назорати остида фаолият олиб борди. Туркистон АССР ва Ўзбекистон ССР мустақил, суверен республикалар бўлмай, РСФСР ва СССРга қарам бўлганлиги боис таълим соҳасидаги сиёсатни Москва белгилаб берар эди. Совет давлати маориф тизимига, хусусан, тарих фанини ўқитишга ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялаш, уни социализм қурилишига сафарбар этиш воситаси сифатида қарар

ТАРИХ

эди. Тарихни ўқитиш синфийлик тамойилига асосланган бўлиб, ўқитувчилардан ёш авлодга подшоҳлар ва қироллар фаолиятини эмас, балки меҳнаткашлар ҳаётидан, “синфий кураш” тарихидан воқиф қилиш талаб қилинар эди.

Олдинги замондаги таълим тизимини инкор этган совет ҳукумати таълим соҳасида ҳам қатор янгиликларни жорий этишга уринди. Дастлабки йилларда “сўл” кучлар мактаб фаолиятини “эркин меҳнат” назарияси асосида ташкил этишни таклиф этдилар. “Ягона меҳнат мактаблари” ни барпо этиш шиори остида улар алоҳида предметлар (фанлар) нинг ўтирилишига, мажбурий ўқув режасига, дастурлар ва дарсликларга, ўқитувчининг синфда олиб бориши керак бўлган мақсадли фаолиятига қарши чиқдилар. Соғлом фикрли педагог ва раҳбарлар уларнинг фикрларини рад этдилар. 1920-1921 ўқув йилининг бошида РСФСР халқ маорифи комиссарлиги I поғона (1-3-синфлар) ва II поғона (4-7-синфлар) мактаблари учун ягона ўқув режаларни ишлаб чиқди. Айни вақтда II босқич мактаблари учун ижтимоий ва тарих фанлари бўйича ўқув дастурлар ҳам эълон қилинди. 1919 йилда ўзбек тилида ўлка тарихи ва географиясини ўрганишга мўлжалланган дастлабки ўқув қўлланма – “Туркистон” китоби чоп этилди [3, 141].

Аммо орадан кўп вақт ўтмай, яна “ягона меҳнат мактаби” ғояси устун келди ва бутун мамлакат миқёсида бу концепция ҳаётга татбиқ этила бошланди. Қабул қилинган янги ўқув дастурларда ўқитувчилар фанни мантикий тартибда баён этишдан озод этилиб, уларнинг зиммасига ўқувчилар хотирасида маълум миқдордаги тизимлаштирилган билимларни мустаҳкамлаш вазифаси юклатилди. Алоҳида предметларни ўтиш бекор қилиниб, унинг ўрнига “комплекс тизим” жорий этилди. Тарих ва бошқа гуманитар фанлар ягона “жамиятшунослик комплекси” доирасида ўргатилар эди. Бу тизимнинг негизида ўқувчиларнинг ҳаётига яқин мавзулар турарди. Ўқувчиларга табиат ва ижтимоий ҳаёт қонуниятлари одамларнинг меҳнат фаолияти билан боғлиқ ҳолда ўргатиларди. Жамиятшунослик билан боғлиқ ўқув материаллар дастурда қуйидаги тартибда

жойлаштирилар эди: оила ва мактаб – меҳнат фаолияти – қишлоқ ё шаҳардаги жамоат ташкилотлар – мамлакат хўжалиги ва давлат тузуми – мамлакат ўтмиши манзаралари – инсоният ўтмиши манзаралари. Натижада тарихнинг ўрнига “қулдорлик тузуми маданияти намуналари”, “феодал тузумнинг иқтисодий негизи”, “капиталистик формациянинг сиёсий тузуми” каби мавзулар ўтирилиб, тарихдан фақат ушбу социологик схемаларни тасдиқловчи мисоллар келтирилар эди, холос [1].

Дарслик ва қўлланмаларда тарихга оид материаллар мамлакатлар бўйича эмас, социологик мавзулар бўйича баён қилинар, ҳар бир ижтимоий ҳодисага доир турли мамлакатлар тарихидан мисоллар келтириларди. Натижада у ёки бу давлатнинг тарихи алоҳида парчаларга бўлиниб кетар, бунинг устига ўқув материаллари баён этишда хронологик тартибга риоя қилинмас эди. Конкрет бир мамлакат тарихига доир материаллар алоҳида бўлақларга бўлиниб кетганлиги боис, ўқувчилар тарихни тасодифий, ўзаро боғланмаган воқеаларнинг йиғиндиси, деб қабул қилар эдилар.

Таълимнинг ушбу схемасини жорий этишдан мақсад, мактабда ўтирилган фанларни ҳаёт билан, ўқувчининг яшаш муҳити билан боғлаш, ёшларни меҳнат фаолиятига тайёрлаш эди. Аммо мактабда тарих алоҳида предмет сифатида ўтилмаганлиги боис, болалар ўтмиш ҳақида чуқур ва тизимли билим ололмас эдилар. Улар фақат тарихга доир айрим узук-юлуқ маълумотларни билардилар, холос. Шунинг учун 20-йилларда илғор педагоглар мактабларда тарих фанини тизимли асосда, алоҳида предмет сифатида ўқитиш учун кураш олиб бордилар.

Юқорида келтирилган маълумотлардан аён бўлмоқдаки, 20-йиллар ва 30-йилларнинг бошида маориф тизимида жиддий хато ва камчиликлар мавжуд бўлган. Энг асосий хатоликлардан бири – бу, мактабларда тарих алоҳида предмет сифатида ўтилмаслиги, унинг жамиятшунослик фанига қўшиб юборилганлиги эди. Лекин бундан қатъи назар, бу даврда мактаб таълимининг схоластикадан ҳоли бўлиши ва маълум даражада ҳаёт билан, ишлаб чиқариш

билан боғланганлиги ижобий ҳодиса эди, деб ҳисоблаш мумкин.

30-йилларнинг биринчи ярмида бу камчиликлар бартараф этила бошланди. Мактаб ўқув режасида тарих мустақил фан сифатида қайта тикланди. Олдинги комплекс дастурлар янги предмет дастурлари билан алмаштирилди. Аммо янги дастурда ҳам тарихий жараёни қадам-бақадам, тадрижан баён этиш эмас, балки ижтимоий-иқтисодий формациялар доирасида тавсифлаш асосий ўрин эгаллади. Дарсликларда хронологик тартибда мамлакатларнинг граждани тарихи эмас, балки умумий тарзда социологик схемаларнинг шакли ва кўринишлари таърифлаб берилар эди. Аслида бу, собиқ СССР тарихининг айрим элементларини ўзида мужассам этган жаҳон тарихи эди, аммо жаҳон тарихи ҳам конкрет тарзда эмас, балки социологик схема (масалан, феодал тузум – феодал шаҳар – шаҳарларда синфий кураш – деҳқонлар кўзғолонлари – тоифавий монархия – мутлақ монархия ва ҳ.к.) сифатида талқин қилинар эди. Дарсларда тарихий жараёнда тирик инсонларнинг иштироки кўрсатилмас, атоқли шахсларнинг сиймолари очиб берилмас эди.

Тарих фанини ўқитишдаги бу камчиликлар СССР Халқ Комиссарлари Совети ва ВКП (б) Марказий Қўмитасининг 1934 йил 16 майда қабул қилинган “СССР мактабларида граждани тарихни ўқитиш тўғрисида” ги қарорида танқид остига олинди. Қарорда тарих дарсларида ижтимоий-иқтисодий формациялар ҳақида абстракт сўз юритиш қораланиб, ўтмишни жонли ва қизиқарли тарзда, хронологик тартибда баён этиш зарурлиги таъкидланди. Кейинчалик қабул қилинган бошқа меъёрий ҳужжатларда умумтаълим мактабларида IV синфдан бошлаб X синфгача умумий тарих ва СССР тарихи параллел тарзда ўтилиши белгилаб қўйилди. Шундай қилиб, ушбу директив ҳужжатларда СССР ва Ўзбекистон мактабларида тарих фанини ўқитишнинг узоқ йилларга мўлжалланган тизими белгилаб берилди.

1940-йилга келиб СССР тарихи бўйича энг қадимги замонлардан ҳозирги кунга қадар бўлган даврни қамраб олувчи

барқарор дарсликлар яратилди ва улар ўзбек тилига таржима қилинди. Эътиборга лойиқ ҳолат шундан иборатки, бу китобларда Россия тарихи билан бир қаторда миллий республикалар, шу жумладан, Ўзбекистон ССР тарихини ёритишга ҳам эътибор берилган эди.

Миллий тарихга бўлган қизиқиш Иккинчи жаҳон уруши йилларида анча жонланди. Фашист босқинчиларига қарши курашда халқнинг ватанпарварлик туйғуларини жунбушга келтириш мақсадида ўтмишда Ватан озодлиги учун курашган миллий қаҳрамонлар образига мурожаат қилинди. Тарихчи олим ва ёзувчилар Муқанна, Темур Малик, Жалолоддин Мангуберди сингари сиймоларнинг Ватан озодлиги йўлида кўрсатган қаҳрамонликларини тараннум этиб, қатор илмий ва адабий асарлар яратдилар.

50-йилларда кун тартибига ўрта мактабларда ўқиш жараёнини ҳаёт билан боғлаш, болаларга политехник таълим бериш масаласи қўйилди. 1959 йилда республика Олий Совети “Ўзбекистонда мактабнинг турмуш билан алоқасини мустаҳкамлаш ва халқ маорифини ривожлантириш тўғрисида” қонун қабул қилди. Ушбу қонунни ҳаётга татбиқ этиш жараёнида ўқув режада гуманитар фанлар, шу жумладан, тарихга ажратилган соатлар миқдори сезиларли даражада камайтирилиб, меҳнат таълимига ажратилган соатлар кўпайтирилди. Янги дарсликлар яратиш жараёнида баъзи муҳим мавзулар, хусусан, миллий республикалар тарихи билан боғлиқ материаллар қисқартирилди. Натижада СССР тарихи фани яна асосан Россия тарихидан иборат бўлиб қолди.

Урушдан кейинги йилларда олимлар илк мартаба “Ўзбекистон халқлари тарихи” деб номланган икки жилдлик фундаментал асар яратдилар. Гарчи бу асар дарслик китоб бўлмаса-да, талабалар ва мактаб ўқитувчилари ундан унумли фойдаландилар. 60–70-йилларда умумий тарих ва СССР тарихи бўйича Москвада рус тилида тайёрланган дарсликлар тез орада ўзбекчага таржима қилиниб, китоб магазинлари ва мактаб кутубхоналарига тарқатилар эди. Шунинг учун дарслик билан таъминланганлик

ТАРИХ

масаласида деярли муаммо бўлмаган. Аммо бу китоблар бошидан охиригача коммунистик ғоя билан суғорилганлиги боис амалда ўқувчиларда ўтмиш ҳақида сохта тасаввурлар шакллантирар эди. Яна бир муҳим муаммо – тарих дарсларини ўтишда Ўзбекистон тарихига етарли эътибор берилмаганлиги бўлди. Масалан, Ўзбекистон тарихи учун ўрта умумтаълим мактабларида атиги 52 соат вақт ажратилган эди” [4, 225]. Ёшлар онгига ягона Ватан (яъни – СССР) туйғусини сингдириш мақсадида дарсларда асосан Россия тарихи ўргатилар, миллий республикалар, шу жумладан, Ўзбекистон тарихидан эса фақат айрим эпизодлар эслаб ўтилар эди, холос.

Таълим соҳасидаги муаммоларни ечиш мақсадида 80-йилларда навбатдаги “ислоҳот” бошланди, лекин бу гал ҳам иш охирига етказилмади. Натижада мактабларда вазият ижобий томонга ўзгармади, тарих фанини ўқитиш борасида катта ижобий ўзгаришлар кўзга ташланмади. Шунинг учун Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг таълим тизимини ислоҳ қилиш давлат олдида турган асосий масалалардан бири эди.

Умумтаълим мактабларида тарих фанини ўқитиш борасида тўпланиб қолган муаммолар миллий истиқлол даврида аста-секинлик билан ўз ечимини топиб борди. Ўзбекистон Республикасида 1992 ва 1997 йилларда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги қонунларга биноан Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастури ишлаб чиқилди ва ҳаётга татбиқ этилди. Умумтаълим мактабларида тарих фанини ўқитиш борасида ҳам талай

янгиликлар рўй берди. Авваламбор, “СССР тарихи” деган предмет мактаб ўқув режасидан олиб ташланди, унинг ўрнига Ўзбекистон тарихи фани жорий этилди. Россия Федерацияси ва бошқа собиқ иттифоқдош республикалар тарихи жаҳон тарихи фани доирасида ўрганиладиган бўлди. V синфда ўқувчиларда ўтмиш ҳақида умумий тушунчалар ҳосил қилиш мақсадида “Тарихдан ҳикоялар” (68 соат) фани ўтила бошланди. VI синфда 68 соат ҳажмда қадимги дунё тарихи ва Ўзбекистоннинг энг қадимги даврдан то милодий V асргача бўлган тарихи ўргатилган. VII, VIII ва IX синф ўқувчиларига параллел тарзда Ўзбекистон тарихи (68 соатдан) ва жаҳон тарихи (34 соатдан) фанларини ўқитиш йўлга қўйилди. VII, VIII ва IX синфларда Ўзбекистон тарихи ва жаҳон тарихининг V асрдан то 1918 йилгача бўлган даври (учала синфда уларнинг ҳар бири 51 соатдан) ўтилмоқда. X ва XI синф ўқувчилари эса Ўзбекистон тарихи ва жаҳон тарихининг 1918 йилдан то ҳозирги кунга қадар бўлган даврини (ҳар икки синфда ҳар бир фанни 34 соат ҳажмда) ўрганмоқдалар.

Ўзбекистон ва жаҳон тарихи бўйича коммунистик мафкурадан холи бўлган янги давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари ишлаб чиқилди, янги дарслик китоблар нашр этилди ва мактаб кутубхоналарига етказиб берилди. Тарих кабинетлари янги ускуналар ва замонавий ахборот воситалари билан жиҳозланди. Буларнинг барчаси ўрта умумтаълим мактабларида тарих фанини ўқитишни тубдан яхшилаш имкониятини берди.

Адабиётлар:

1. Бущик Л.П. Очерки истории школьного исторического образования в СССР. – Москва, 1961 // <https://sheba.spb.ru/shkola/ocherk-obraz-1961.htm>
2. Rajabov Q., Zamonov A. O'zbekiston tarixi (1917-1991-yillar). – T.: G'.G'ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2017.
3. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб: Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Т.: Шарқ, 2000.
4. Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). Иккинчи китоб. – Т.: O'zbekiston, 2019.
5. Shamsutdinov R., Karimov Sh. Vatan tarixi (O'zbekiston sovet mustamlakachiligi davrida). Uchinchi kitob / To'ldirilgan, qayta ishlangan ikkinchi nashri. – T.: Sharq, 2010.
6. Муҳаммаджонов А. Темури ва Темурийлар салтанати: Тарихий очерк. – Т.: Қомуслар Бош таҳририяти, 1996.

(Тақризчи: М.Исомиддинов – тарих фанлари доктори, профессор)